

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК 316.647.5

КАРИМОВА ЭЪЗОЗХОН ГАПИРЖОНОВНА

ЎЗБЕК ТОЛЕРАНТЛИГИНИНГ ЭТНОРЕГИОНАЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ЎРГАНИШ

Ихтисослик: 19.00.05 – ижтимоий психология,  
этнопсихология ва социология

Социология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тайёрланган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Вх. № 1/267
«28 » 10 2003 г.

Тошкент - 2003

Тадқиқот Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида бажарилган

Илмий раҳбар:

*Сиёсий фанлар доктори  
Н.К.Жўраев*

Расмий оппонентлар:

*фалсафа фанлари доктори  
З.Р.Кодирова  
социология фанлари доктори  
А.Ж.Холбеков*

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

Ҳимоя 2003 йил ~~март~~ ойининг 21 куни соат 14<sup>50</sup> да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хукук институтининг Д 015.03.02 ракамли докторлик илмий дарражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йигилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9 уй.

Диссертация билан ЎзР ФАнинг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй).

Автореферат 2003 йил ~~март~~ «*Социология*» да тарқатилди.

Тамғали муҳр билан тасдикланган тақризларингизни Ихтисослашган кенгаш илмий котибига (700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй) юборишингизни илтимос қиласиз.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, фалсафа  
фанлари номзоди, доцент

*Ж.Махкамов*

Ж.Махкамов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Тадқикот мавзусининг долзарбилиги.** Ўзбекистон ўз олдига хуқукий, демократияни давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтиришини олий мақсад килиб қўйган. Унга эришишининг асосий йўлларидан бири демократияни чукурлаштиришdir. Ҳар бир ҳалқининг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга, демократиянига ўзига хос ёндашиш усули бор. Шу маънода, Президент И.А.Каримов: «Шарқда демократик жараёнларниң қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мес хусусиятлари бор. Буни асло назардан қошиб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар ўзвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инчилобий ўзгаришлар уриншишлар гоят нохуши, ҳамто, фожиали цитижаларга олиб келади. Инчилобни Еарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққийётчинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди!», деганида демократияни жорий этишининг умумисоций тамойилларига мустахкам таянган холда юртимизда ўзбекона ёшашувлардан ҳам кеңг фойдаланиш, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиц заруратини кун тартибига қўяди. Бу йўл ўзбек ҳалқининг толерантлик хусусиятига асосланган.

Дунё ҳамжамиятиянинг ҳозирги боскичида 1995 йил 16 ноябрда Париж шаҳрича ЮНЕСКО Бош Конференциясининг йигирма биринчи сессиясида қабул қилинган «Багрикенглик тамойиллари Декларацияси» алоҳида ахамият касб этади. Унда шундай дейилган: «XXI аср бўсағасида Ўзбекистонинг қиёфасини тинчлик ва осоиишталиқ, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тутувлик, диний ҳамда мафкуравий бағрикенглик, маданиятларининг ўйнунлашуви, турли миллат ва элатларининг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилайди. Инсон хуқуклари ва демократия Ўзбекистонинг миллий ва давлат манфаатларига, ҳалқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарз ва рухиятига тўла мес келади»<sup>2</sup>.

Багрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни ўзини ифодалашининг ва инсонининг алоҳидалигини намоён килишининг ҳилма-ҳил усулларини хурмат килиш, қабул килиш ва тўғри тущунишни ангдатади. Багрикенглик – турли туманинкдаги бирликдир. Бу факат маънавий бурчтнина эмас, балки сиёсий ва хуқукий эҳтиёж бўлиб, тинчликка эришишини мушарраф қиulgувчи за уруш маданиятсизлигидан, тинчлик маданиятига элтувчицидир.

**Тадқикот мавзусининг долзарбилигини яна қўйидаги омишлар ҳам белгилайди:**

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий воқеалик ҳодисаларига бугунги кун ёндашувлари ҳаётга янгича тамойиллар, меъёрлар доирасида иш тутишини тақазо этмоқда. Ҳалкаро вазиятни соғломлаштириш янги дунё сиёсатининг асоси бўлиб қолмоқда. Ижтимоий онг мазмунининг тобора инсоний мөхият касб эта бориши, шахс ҳақ-хуқуклари барқарорлашётганлиги, ҳалқаро маконда меҳр-шафқат, бағрикенглик, одамийликка доир умумпланетар

<sup>1</sup>Каримов П.А. Ватан саждогоҳ каби мұжалласадир. З-жилд, Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 8-9.  
<sup>2</sup>Багрикенглик тамойиллари Декларацияси. Париж. 1995 йил 16 ноябр. – Б. 4.

майлнинг кучайини жамият, жамоа ба шахс маънавиятида янгилашиш жараёниларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. XX аср сўнгитига келиб, инсоният ўз қазоси ҳам, ўз давоси ҳам ўз кўлида, реал саъй-харакатларида, тафаккур тарзида эканлигини тўла англаб етди. Дунё ўз-ўзини асраш инстинктини ишга солни тарааддудини кўрмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ялни янгиланишлар жараёнини икки узвий ўзаро боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. Биринчиси, мамлакатининг ички дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, ҳалқ характери ва менталитетида амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуидан иборат бўлса, иккинчи йўналиш, ҳалқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни баркарорлаштириш, коллизия муҳитидан муроса, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чукурлаштириш, инсониятга умумий хавф түғдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши ҳалқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади. Шулардан келиб чиккан ҳолда, яна қуидагилар тадқиқотнинг долзарблигини этиб белгилайди:

1. Толерантлик глобал маънода барча ҳалкларнинг яшаш учун курашини ҳукуқининг тасдиклиниши билан объектив равишда боғлиқдир. Жаҳон ҳамжамияти куч ва зўрлик яккаҳокимлигини занфлаштириш йўлларини топа олган тақдирдагина, ўзининг аслий маъносидаги толерантликни сақлаб қолиши мумкин. XXI асрда толерантликнинг ҳақиқий пойдевори сифатидаги янги барқарор мувозанатга эҳтиёж туғилди. Ана шундай янги мувозанат шароитидагина, ҳам алоҳида шахс, ҳам ҳалқ эркин маънавий шаклланиш имкониятига эга бўлади. Шу боис, толерантликни тадқиқ ва таҳлил этиш, унинг умумиётимоий ва миллий ўзига хосликларни эътиборга олиш, назарий ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

2. Толерантликни кенг равишида шакллантириш ва ривожлантириш – мамлакатлар ўртасида, минтақалар ва бутун дунё ҳамжамияти миқёсида дўстона муносабатларни қарор топтиришнинг муҳим омилидир. Тарихий жараёнинг бундан кейинги ривожланиши, унинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан толерантликка боғлиқ бўлади, энди уни маҳсус тадқиқ этиш ва ушбу йўналишдаги узоқ йилларга мўлжалланган вазифаларни белгилаб олиш пайти келди.

3. Бугунги кунда толерантликни мамлакатимиз миқёсида ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг ибратли фазилати сифатида ёшлар онгига сингдириш долзарб аҳамиятга эга. Бу кишиларнинг бир-бирига бўлган ишонч ва хурматини мустаҳкамлайди, хайриҳоҳлик, ҳамдардлик, ҳамфирлик, меҳрурувват, одамгарчилик сингари фазилатларни шакллантиради. Ҳозирда толерантлилик мишлий даражада бутун инсониятнинг манфаатларини химоя қилиш вазифалари билан ҳам чамбарчас боғланиб кетмоқда. Шу боис, жамиятнинг барча бўғинларига толерантликни сингдирмасдан туриб, кўзланган мақсадларга эришиш кийин.

4. Биз иқтисодининг глобаллашуви ва мобиллашуви, коммуникацияларининг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши, шаҳарлашув ҳамда ижтимоий тузилмаларининг янгидаи ўзгарини асирида яшамоқдамиз. Ҳар бир минтақа хилма-хил бўлиб,

тоқатеизликтің жағдайларынан күчтірілген дүнендегі барча худудларнан бирдей таңдай солади. Бұндай таңдилдан эса, қочиб бўлмайды, чунки у умумбашарий хусусиятга этадир. Ҷемақ, толерантлык дүнә тараққиётіца ҳам, маҳаллій ва минтақавий маконда ҳам бирдей долзарб аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мавзуининг ишланғанлик даражаси.** Ўзбек толерантлиги ҳодисасына нисбатан Ватанимизнинг улуғ муғафакирилари томонидан ҳалқ маңынанынты, миңүйін қарастырылғандағы мүносабат нұқтаи назаридан қимматын фикрлар бицирилғанындағы амин бўлдик. Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар», «Хиндистан», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит турк», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Ҳолати Сайид Ҳасан Ардашер», «Маҳбуб ул Кулуб», Бобурининг «Бобурнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» ва бошқа асарларида муаммога оид ибратли фикрлар бор.

Толерантлик ҳодисасынинг у ёки бу жиҳатлари мамлакат ва хорижий олимлар асарларида, ижтимоий ғаилелардаги тадқиқотларда үрганилаётган масалалар талаби нұқтаи назаридан тадқиқ этилған.<sup>1</sup>

Кейинги йилларда толерантлик ҳодисасини бир қатор хорижий олимлар томонидан сиёсий, маңынан ҳамда физиологик тамойиллар нұқтаи назаридан үрганишга бўлган ҳаракат кўзга ташланмоқда.<sup>2</sup>

Халқ сабр-бардоши, бағрикенглиги, саховатиешалиги борасида қуйидаги қатор асарлар, китоблар, мақолалар ва диссертацияларда диккатта сазовор илмий-назарий қарашларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Толерантлик ҳалқ анъаналари ва маросимлари, қадриятлар билан уйғунашган ҳолда үрганилган тадқиқотлар;<sup>3</sup>
2. Толерантлик феноменни тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан бөглиқ ҳолда үрганилган ишлар;<sup>4</sup>
3. Халқ толерантлиги ҳодисасынинг намоёни бўлишида тоталитар тузум сиёсатининг тазиқиң таъсири жиҳатлари очиб берилган тадқиқотлар;<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Тақсияни асарлар. Т.: Фан, 1966; Мадзиний Н. Ишани и суғиғим. Т.: 1988;

<sup>2</sup> Ҳажиев Ф.А. Пагубная самонадеяность. Ошибки социализма. М.: «Новости», 1992; Лепере К. Смысл и назначение истории. М.: Политиздат, 1991; Фрейд З. «Я» и «Оно». Труды разных лет. В 2-х томах. Тбилиси: «Мерапи», 1991; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности//Пер. С англ. Телстникова Э.М., Панфилова Т.В. Мн.: ООО «Попурри», 1999; Фромм Э. Бегство от свободы. Мн.: ООО «Попурри», 1997; Карниги Д. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей. М.: «Прогресс», 1989;

<sup>3</sup> Қозоров О., Ҳудойқулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом. Сам.: Зарафшон, 1992; Исмоиров Ҳ. Ўзбек тўйлари. Т.: Ўзбекистон, 1992; Каримов Б.Т. Оқилюна қадрият мўлжаллари. Т.: Ўқитувчи, 1994; Махмуд Саттор. Ўзбек упумлари. Т.: Фан, 1993; Мусаев М. Умуминсоний қадриятлар. //Мулоқот, 1992 йыл 8-сон; Расуловна М.Ш. Аванло олам бути. Т.: Ўзбекистон, 1990; Санжоқсомон Д. Мисливий қадриятлар. //Инсон ва сиёсат, 1991 йыл 9-сон; Назаров К. Ҳозирги замон ва умуминсоний қадриятлар. Т.: Мамават, 1993; Назаров К. Аксюология. Қадриятлар фалсафаси. Т.: Мамават, 1988; Шарипов Э. Оила, айна, одоб. Т.: Ўзбекистон, 1993; Ҳужамировлар И.Р. Ислом. Мисливий. Қадрият: (Ислом ва ўзбек ҳалқи мисливий ўзиншонинг ағлозлигин шакталаши). Т.: Фан, 1993; Ҳудойберганов М. Айнагандар хаёт сабоги. Сам.: Зарафшон, 1992; Ҳонимов Ш. Қадрият нима дегани? (Қадрият сўнигини маъноси, унинг тарихи, ахамияти хақида). //Луистон, 1995 йыл 1-сон. Б. 4-5; Чўлисе П., Зоҳидий А. Мисливий мавзуваттимади дуруфий, ахлоқий қадриятлар. //Халқ сўни, 1996 йыл 16 августан;

<sup>4</sup> Жўраев Н., Иброхимов А., Султонов Ҳ. Ватан тўйгуси. (хаммасиғлифиқда) Т.: Ўзбекистон, 1996; Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т.: Мамават, 1999. Жўраев Н., Файзулаев Т. Истиклол ва тарихин жараён. Т.: Е.Ғулом имадати Адабийт ва санат национали, 2000; Жўраев Н. Мамнинин поэзияси ва мисливий қадриятларнинг тикшашини. //Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифатари. ЎзФА Тарих институти. Т.: «Шарқ» нигриёт-матбаба консерви, 2000; Алания Мулайка. Ахил бўлинг. Т.: Ўзбекистон, 1985; Жабборов И. Ўзбек ҳалқи этнографин. Т.: Фан, 1995; Жумабоев И. Урги Осиёт этикаси тарихий очерктарин. Т.: Ўзбекистон, 1980; Маматов М. Мисливий искандарлик ҳиёфа ва унинг хусусиятлари. Т.: Ўзбекистон, 1980; Рахимов И. Мурроса фалсафаси. //Гафракур, 1996 йыл 2-сон. Б. 16-21; Ривзиле Э. Кунинчар мостанувчалыгини. //Ижтимоий фикр, 1998 йыл 1-сон. Б. 22; Сафиразарова Ф.И. Тарбия, одоб ва оқибат. Т.: Ўзбекистон, 1991; Тонглонов Т. Мисливий ва динни урғодатлар. Т.: Ўзбекистон, 1986;

<sup>5</sup> Жўраев Н. Ҳақиқордасини сизиб бўлмайди. //Мулоқот, 1996 йыл 3-сон. Б. 11; Жўраев Н. Мисливий ўйонин рухи. //Мулоқот, 2000 йыл 4-сон. Б. 3-7; Абдуллаев М.О. О национальной специфической эстетической культуры. //Общественные науки в Узбекистане, 1991, N12; Бородкин Ф.М., Коряк Н.М. Внимание: конфликт!. Иш-по Наука, 1983; Каримов Р.К., Каримова Т.А. Мисливий молед мадумомати. Т.: Ўзбекистон, 1993; Мирзуп Жалил. Мадумоният ва мизгат. //Мулоқот, 1992, N2.; Пўлатов Х. Ўзбек мағаруси. //Мулоқот, 1991, N6-7; Суҳомчинский В.А. Икон ҳақиқа ўйнар. Т.: Ўзбекистон, 1997; Умрзакова О.П. Общечеловеческие ценности: национальные традиции и обычай равнин. //Общественные науки в Узбекистане, 1991, N2;

4.Мінганий бағрикенлиқ ҳодисаси диний ва миляни урф-одатлар маҳсулін деб илмий талқын этилган ва у билан биргаликдати феномен сифатида ўрганилган тадқиқотлар<sup>1</sup>

5.XX асрнинг 70-80 йилларида ва айниқса, аср сўнтида ижтимоий фанларда толерантликка милятлараро ҳамкорлик ҳосиласи сифатида қараш тенденцияси кўзга ташланган асарлар<sup>2</sup>

6.Толерантлик ҳодисаси ҳалқ турмуш тарзи, ижтимоий-тариҳий хусусиятлари, этнологик таркиби, жамоавий йўналиганинг кўра ўрганилган тадқиқотлар<sup>3</sup>, биз уларга диссертацияда алоҳида муносабат билдирилганимиз.

**Тадқиқотнинг максади** толерантликнинг фалсафий моҳиятини очиб бериш, унинг намоёни бўлиш хусусиятларини ифодаловчи фазилатларни ўрганиш, илмий-назарий мушоҳада қилиш билан бирга республикамиз мустақилиги шаронтида ўзбек ҳалқи толерантлигининг умумисоний моҳияти, иносоннавар салоҳиятининг юзага чикиши жараёнларини таҳлил этиш, аждодларимиз ижтимоий-этник ўзига хослигини ифодалаб келгани мазкур фазилатни ворисийлик анъанаси сифатида ёшлиар онги, идрокнга чукурроқ сингдириш ва бу анъанани амалий яъни ижтимоий тажрибада кенгрок кўллаш имкониятларини очиб беришдан иборатдир.

**Тадқиқот вазифалари** белгиланган мақсадни амалга ошириш учун ишнимизда кўйидаги вазифаларни бажаришни кўзда тутганмиз:

1.Толерантликка нисбатан берилган мавжуд таърифлар умумлаштирилиб, аниқликлар киритиш;

2.Милятлараро, минтақавий, кенг қамровли муаммоларни ҳал қилишининг, иносоният муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашнинг зарур шартни милятлар, элатларнинг, мамлакатлар, уларнинг вакиллари бўлган давлатларнинг бирлашуви, ҳамкорлигидан иборат эканлиги тобора кўпроқ ҳис қилинмоқда. Буниг маъноси шуки, макродунёда жадал кечаетган глобаллашув жараёнлари ижтимоий-сиёсий тариҳий зарурият милятлараро муносабатларнинг барча жиҳатларини тартибга солиш ва ривожлантиришдан

<sup>1</sup>Усмонов М. Яхши фавзат инсонга майнат. Т.: Ўзбекистон, 1992; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. /Пер. С англ. Теллниковова Э.М., Паницинова Т.В. Ми.: ООО «Попурри», 1999; Фромм Э. Душа человека. М.: Изд. Корп. «Логос», 1993; Клуто Э. Туленов Ж., Ефурев З. Миссий масала бўйича фалсафий сұхбатлар. Т.: Фан, 1990; Эризаров Р.У. Миссий ва умумисоний қадрияттар диалектикаси. Т.: ТДИИ, 1992; Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. М.: Наука, 1984; Яспер К. Смысл и назначение истории. М.: Политиздат, 1991; Хамрасев Л. Абдий қадрияттар. /Инсон ва сиёсат. 1991, №1; Жўрас Н. Мамлакат-мислат қиёфаси. //Конференцияда. 2000, №2. Б. 8-11;

<sup>2</sup>Арутюнов С.А. Место национальных традиций в современных этнических общинах. Т.: Фан, 1989; Гегерторн Ч.У. Тайные общества всех веков и всех стран. Т.: Шарк, 1994; Жўраҳон Авнихон. Миссий ахлоқ экстремизми. //Хаёт ва иккисид. 1992, №7; Иваюва Ю.В. Традиции. Политика. Культура. Чита: Изд. Забайкальского Гос.Педлис. 1997; Обиниска Э.Е. Глобальные интересы и национальный этоним. М.: Между отчуждение, 1990; Оронок Б.Л. Кардоштарча ҳамкорлик қурдати. Т.: Ўзбекистон, 1985; Оронок Б.Л. Дўстлик ва қўшиганинг мағфалларини кўзлаб. Т.: Ўзбекистон, 1990; Тиксанов А.К., Смирнов М.А. Межнациональный конфликт и его причины. Т.: Фан, 1992; Шермухамедов С.Ш. Ижтимоий тараккиётда милятлараро алоҳа маданиятни. Т.: Мамлакат, 1998; Шермухамедов С.Ш. Миссий маданиятларини бир-бирини боийтишини объектив ва субъектив ошиллари. Т.: Ўзбекистон, 1972; Энинкузов Н. Миссий муносабатлар: ҳамкорлик ва ўзаро таъсири. //Мулоқот, 1991, №11; Қадрияттар ва ижтимоий тараккиёт. Т.: Ўзбекистон, 1997; Курбонов С.Ш., Соғизев Т.Н. Янгича тафқару ве ҳозирги дунё. Т.: Ўзбекистон, 1994; Жўрас Н. Мустақид Ўзбекистон Республикасининг мавзаний-ахлюйи тамоилилари. «Милятлараро ҳамхизматлаш – баркарорлик омкоти» мавзуяга кўйинадиган семинар. Ўзбекистон ғайният маркази. Т.: 1999 йил ёнлар;

<sup>3</sup>Бекмуродов М.Б. Социология асаслари. Т.: Фан, 1994; Бекмуродов М. Ўзбек менталитетини хусусиятлари. //Ижтимоий фикр. 1998, №1. Б. 49; Бернинскии В. Мех-ирафат ва саҳоватнешин тўғрисида //Ижтимоий фикр. 1998, №2. Б. 117; Жўрас Н., Иброҳимов А., Суптонов Х. Ватан тўйуси. Т.: Ўзбекистон, 1996; Иброҳимов А. Миссий масалада ижтимоий адолат. //Мулоқот. 1991, №1; Иброҳимов А. Маданият ва миссий қиёфа //Мулоқот. 1991, №5; Икром Д. Бига шарқон демократик қерак. //Мулоқот. 1992, №5-6; Июмова Д. Оқида болаларни миссий-ахлюйи тарбиялаштириш миссий қадриятлар. Т.: Фан, 1995; Мамалазаров Н. Миссий ўзинкин анишнанинг этнотарбиялари. //Ижтимоий фикр. 1998, №2; Пўлатов Х. Миссий уйлонини даълати. //Мулоқот. 1991, №11; Рашидов А. Миссий анишнан-тарбиялари. //Ҳалик таъими. 1992, №1; Ртвистади Э. Күпонлар мосташувчалиги. //Ижтимоий фикр. 1998, №1. Б.22; Сулаймонова Ф. Шарк ва Еарб. Т.: Ўзбекистон, 1997; Нажиев Ф. Қадрияттар мунтажарлари-хаёт тақаддуси. //Мулоқот. 1991, №12; Файзутдинов А. Нисон, сиёсат, бошқарув. Т.: Ўзбекистон, 1995; Фрейд З. "Я" и "Оно". Труды разных лет. В 2-х томах. Тбилиси: Мерани, 1991; Шайхова Х. Маданият ва миссияни камедот. Т.: Ўзбекистон, 1989; Юсупов Э. Истикъом шабадатари. Т.: Фан, 1993; Ўзбекистон миссий истиқлол маҳкумати. Т.: Ўзбекистон, 1993; Хайек Ф.А. Пагубная самодельность. Ошибки социализма. М.: Новости, 1992; Жўрас Н. Мустақид Ўзбекистон Республикасининг миссий-ахлюйи тамоилилари. //Милятлараро ҳамхизматлаш-баркарорлик омкоти. Т.: Ўзбекистон ғайният маркази. Т.: 1999. Б. 10-13; Жўрас Н. Миссий ҳанғиззикининг Ўзбекистонга дос замонийлари. //Мустақид Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ философияни дозлар муммомлари. ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институти. Т.: 1996; Жўрас Н. «Мустақид миссияни миссияни таъсисларининг иштози». ЎзФА. «Миссий той ва демократик жамият тараккиётин» манзудаси илмий-зантирий конференция. Т.: 1999 йил 10 февраль.

иборат бўлиб, бунда толерантлик уюштирувчи асос бўлиб хизмат қилишини асослаш;

3. Толерантлик миллатлар ва элатларининг нафакат ўзлигини англиши, балки, миллатлараро алоқа маданиятини қуайтириш омили эканлигини таҳлил қилиш;

4. Толерантлик намоён бўлиши ва ижтимоий муҳитдаги мавқеининг кучайиб боришига кўра, муайян тизим ва таркибий ўзига хосликларга эгалигини белгилаш;

5. Ўзбек халқи толерантлиги халқ характери ва маънавий қиёфасида намоён бўлиши ва уни такомилаштириш ўйларини атрофлича таҳлил этиш;

6. Мустақил давлатчилик шароитида толерантликнинг ижтимоий аҳамияти кенгайиб, унинг жамият ҳәётини ривожлантиришга кўрсатадиган таъсир кўлламларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси:** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ўзбек халқи менталитети ўзига хослиги: бағрикенглиги, саховатлилиги, сабр-бардоши, толерантлиги бўйича билдирган фикрлари ҳамда ана шу хусусиятлардан миллий тикланиш жараёнларида фаол фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги кўрсатмалари, биз танлаган илмий мавзунинг методологик негизлари ролини ўйнади. Шунингдек, социология ҳамда ижтимоий фанлар учун умумий бўлган тушунча ва категориялар, воқеаликни яхлит муроҳада этиш ижтимоий ўзгаришлар мөҳиятини эволюцион жараёнларда аниглаш, шунингдек, илмий билишнинг узвийлик, тарихийлик ва қиёсий таҳлил тамойилларидан келиб чиқилган.

Диссертацияда Фарб ва Шарқ мутафаккирлари асарлари, умуминсоний қадриялар манбани бўлган Авесто, Забур, Таврот, Инжил, Куръони Карим, Имом Исмоил Бухорий, Форобий, Марғиноний Бурхониддин, Беруний, Ибн Сино, Амир Темурнинг ижтимоий қарашлари ҳамда мамлакатимиз ва хорижда мавзунинг у ёки бу жиҳатларини ёритган асарлардаги ёндашувлар талқини ўз ифодасини топган.<sup>1</sup>

### **Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижалари ва хulosалари **биричидан**, ижтимоий-фалсафий ва психолого-психиатрический толерантликка оид янги фикрлар, ёндашувлар ва таҳдидий манбалар билан бойитади; **иккинчидан**, психология, педагогика, социология, фалсафа ва маданиятшунослик фанларига инсониятни асраш, давлатлараро ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, баркарор тинчликни мустаҳкамлаш ва саклаб қолиш масаласини ҳал этиш тажрибаларини ўрганишга ўйл очиб беради; **учинчидан**, мавзунинг турли фанлар ёрдамида комплекс тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади. Тўплангандан назарий манбалар ва статистик маълумотлардан толерантлик масаласи бўйича илмий изланишилар олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланса бўлади.

Илгари сурилган гоялар, қарашлар ва хulosалардан маҳсус дарслклар, ўкув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга тадқиқот натижаларидан **«Социология»**, **«Фалсафа»**, **«Психология»**,

<sup>1</sup>Форобий Абу Наэр. «Фонист одамлар шахри». Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси изориётси, 1993; Марғониёнӣ Бурхониддин. «Хикоя». Т.: Алоатаг, 2000; Имом Бухорий. «Ҳадисатар» 4-томлик. Т.: Энциклопедия Боли таҳририяти, 1999; Беруний Абу Райхон. «Касимий ҳадисарорин котказ ёғорникар». Ташниғат асарлар, 1-том. Т.: Фан, 1968.; Амир Темур. «Темур туъжудар». Т.: Нур, 1992; Фрейд З. Введение в психоанализ. М.: Наука, 1989; Понлер К. Открытое общество и его врачи. М.: Международный фонд «Культурная инициатива», 1992; Ясперс К. Смысл и значение истории. М.: Республика, 1994;

«Маънавият асослари», «Демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» фанларини ўзлаштиришда, «Маънавият ва маърифат» кенгаши фаолиятида, узлусиз таълимнинг барча бўғинларида маънавий-маърифий ва маданий-оммавий ишларни олиб бориша фойдаланиш мумкин.

#### **Диссертациянинг ўзмий янгиликлари кўйидагилардан иборат:**

- толерантликнинг фалсафий моҳияти таҳлил этилиб, унга таъриф берилган;
- толерантликнинг таркибий тузилиши, уни ташкил этувчи омиллар тизими аниқланган;
- ҳалқимизда мазкур фазилатнинг шаклланиш тарихи очиб берилган;
- турли ижтимоий-сиёсий, иктисадий ўзгаришлар жараёнларида толерантликнинг намоён бўлиши ҳамда улардан олинган сабоқлар тахлил қўлинган;
- толерантликни намоён этувчи ижтимоий онг шакллари кўрсатилган;
- турли ижтимоий-сиёсий тузум даврларида қайси онг шаклларида толерантлик ҳодисасининг кўпроқ намоён бўлиши очиб берилган;
- ёшлар орасида таълим-тарбия жараённада толерантлилик ворисий мулк, маънавий мерос эканлиги тушунтирилган ва бу фазилатдан фойдаланишнинг ёшлар маънавиятига, дунёқарашига таъсири катта эканлиги илмий асосланган;
- толерантликни ички ва ташки муносабатлар тизимида кенгрок тадбиқ этиш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертацияда аник социологик тадқиқот усусларидан кенг фойдаланилган. Тадқиқотлар республиканизмнинг уч йирик вилоятида (Сурхондарё, Хоразм, Андижон) ўқказилиб, жами 3000 нафар респодент қамраб олиниди. Тадқиқот натижаларининг илмий ишончлилиги, репрезентативигини таъминлаш максадларида социологияда кенг қўлланилаётган ўлчовли танлама, эксперт баҳолови сингари усусларга таянилди. Социологик тадқиқот усуслари сифатида, хужжатларни ўрганиш, интервью, анкета ҳамда эксперплар баҳоласи усусларидан фойдаланилди.

#### **Ишининг жамоатчилик эътиборидан ўтиши.**

Диссертация Тошкент Давлат Маданият институти «Социология» кафедрасида, Тошкент Давлат Иктисадиёт университети «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» ва «Фалсафа» кафедраларининг қўшма мажлисида, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва хукуқ институтининг «Социология ва политология» бўлимида мұҳокама этилиб, химояга тавсия қўлининган.

Тадқиқотнинг мұҳим хulosалари «Жамият ва бошқарув», «Ижтимоий фикр», «Мулоқот», «Бизнес Осиё» журналларида мұқолаларда баён этилган. Шу билан бирга З та ҳалқаро ва маҳаллий илмий-амалий конференцияларда тадқиқот натижалари жамоатчиликка етказилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, иккита боб, биринчи боб учта параграфдан, иккинчи боб иккита параграфдан, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **II. ДИССЕРТАЦИЯ ИШИННИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг шири қисмida муаммонинг ползарбзиги асосланган, унинг илмий-фалсафий азабиётлардаги ёритилганлик даражаси

апиклапиған, талқықоттинг мақсад ва вазифалари, илмий-назарий ва методологияк асослари белгилапиған. Шуннингдек, унда талқықоттинг илмий яшнилларни, назарий ва амалий ахамияти, синовдан ўтказилишини күрсетилған.

**Диссертациянинг «Толерантлик ҳодисасининг назарий - методологик асослари»,** деб номланған бириңи бобида диссертант, толерантлик ҳодисасына таъриф беріши билан биргә, уни мөхияттими назарий асослашып, тизим ясовчы белгиларнин, намоён бўлиш шакуларнин, ижтимоний-сиёсий хусусиятларнин очиб беришга ҳаракат килади ва уни учта параграфда сұрттади.

Жамият тарихи мөхият әътиборига кўра кишилар ўртасидаги муносабатлар тарихидан иборатдир. Тарихий тараққиёттинг ҳар бир даврида таркиб топған ижтимоний-иқтисодий ва сиёсий тузум эса жамиятни ташкил қиласа шахслар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни шакллантиради ва идора килади. Шу сабабли ҳар бир шахснинг жамиятда туттган ўрии, мақсади, манфаатлари, тузум томонидан унга берилган эркинлик даражалари каби масалалар ўзига хос ижтимоний муаммоларни ташкил қиласа. Ана шундай муаммолардан бири толерантлик муаммосидир. Толерантлик муаммолари шундан далолат беради, сабр-тоқат тушунчасининг талкни кенг қарорларни бўлиб, у медицина, экология, ижтимоний-сиёсий ва маънавий жабхаларни ўз ичига олади. Ҳар бир талкни ўз навбатида етарли асосга эгаидир.

Толерантлилик (латинча *tolerantia* – сабрлилик, тоқатлилик) – ўзга ҳаёт тарзи, пуктаи назар, ғоялар ва әътиқодларга тоқатлилик, бағрикенглиник.<sup>1</sup>

Россияда нашр этилган социологик лугатда эса, толерантликка куйидагича таъриф берилади: а) ёт одамнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одати, хиссияти, фикри, ғояси, әътиқодига чидамлилик билан ёндашув; б) нокулай омилиларни сезмай қолиши патижасида содир бўлган ҳодисаларга бағрикенглик билан ёндашув; в) нокулай, номақбул хиссий омилилар таъсирига ҳам чидам билан ёндашув.<sup>2</sup>

Толерантлик – бу ёкмайдиган, хатто ёвуз деб ҳисобланувчи нарсаларга тоқат билан муносабатда бўлишидир. Муносабатнинг бундай турини маърифатпарвар файласуфлар бўлмиш Вольтер ва Локк диний таъкибларга карши чора сифатида таклиф этишган ва бу Европада асосан XVIII асрдан бошлаб ахлоқий идеал сифатида қадрланған.

Маълум бўлишича, толерантлик тушунчасининг адекват (мое) изоҳини англаш учун, унинг конкрет контекстдаги маъносига әътибор каратиш керак. Динларро муносабатлар тизимида толерантлик бир маъно касб этса, ғоявий фронтда ўзгача маънони англатади. Илм-фан соҳасида толерантлик муаммоси әътиборга молик масаладир. Турли қарашлар ва фикр-мулоҳазаларнинг аралашиб кетиши фожеавий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айтайлик, динлар ва идеологиялар бир хил маъниоли ечимга эга бўлмаган саволларга ўзига хос жавоб топа олса, илм-фанда бир саволга иккита, бир-бирига зид жавоб топиш номаъкул ҳодисадир.

<sup>1</sup>Марк Ногурно. Толерантность, свобода и истина: философия и открытие «закрытых обществ» //Ижтимоний фикр. 1998. N 2. – Стр. 89.

<sup>2</sup>Российская социологическая энциклопедия. –М.: Наука, 1998. – Стр .278.

Бизнингча, толерантлик – бу на тутуркусизлик, ва на ижтимоий эклектикацияри; толерантлик – бу хилма-хиллик, ўзгача фазилат, ҳамла, ҳусусиятларни бир бутун борликнинг ажралмас, мухим кисми сифатиша чукур аңглайдир. Сабрсизлик – бу ижтимоий ҳаёт ҳақиқатини назар-писанди қилимасликтидир. Ижтимоий ва маданий хилма-хилликка нисбатан, индивидуал ҳамда, ижтимоий муносабат шакли сифатида, шунингдек, ўзга фикр, эътиқод ва юриш-туриш услубига нисбатан сабр-тоқатлилик шакли сифатида толерантликка - маданиятлилик, сиёсий стукликнинг асосий аломати деб қарашимиз мумкин.

Толерантликни намойиш этишининг ўз механизми мавжуд. Ҳар бир киши ўзга инсон иззат-хурматини жойига кўйиш орқали шахсий қадр-қиммати, мавқенини аниқлайди ва шу орқали маданиятини белгилайди.

Социумда кайси ижтимоий онг доминанталик қилишига қараб, толерантликнинг ҳар хил тинлари шаклланади. Этник, социал ва маданий таркиби, келиб чиқиши бир хил бўлмаган ихтиёрий жамият, ўз барқарорлигини таъминлаш учун толерантликка муҳтождир. Толерантликнинг самарадорлиги эса, ундаги ҳукмрон мифологик, диний ва илмий-оммавий онг билан кай даражада мос келишига боғлиқ.

Толерантлилик турли ҳалкларда турлича намоён бўлади. Тадқикотда толерантликка таъриф бериш, унинг ижобий томонлари билан бирга, ўзбек ҳалки характеристида толерантликни намоён бўлиш ҳусусиятларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилинган.

Қайд қилиш керакки, академик Э.Ртвеладзе Кушонлар давлати тарихига тўхталиб, кушонлар даврида турли хил диний эътиқодлар ва қавмлар вакиллари тинч-тотув, ахилликда яшаганини, толерантлилик (сабр-тоқатлилик) ҳодисаси Шарқда жуда қадимдан мавжудлигини, Марказий Осиё жамияти ҳозир ҳам ўзининг бу ҳусусиятини, асосан, ўзgartирмасдан саклаб қола билганилигини, бу ҳодиса сиёсий рақиблар фикрларига хайриҳоҳлик, тушуниш ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш илдизлари ва омиллари<sup>1</sup> ҳақида фикр юритади. Ртвеладзе томонидан амалга оширилган илмий таҳлил кўламининг терапинги ва асослигиги тан олган ҳолда қайд этиш зарурки, толерантлик ҳодисаси моҳият эътиборига кўра, фақат «мослашувчанлик»нинг ўзигина эмасди. Толерантлик ҳодисаси кўп қиррали ва мураккаб таркибий тизим ифодасидир.

Ўзбек ҳалқининг бағрикенглиги миллат менталитетига хос фазилатдир. Ҳалқимизнинг ҳаётга катта иштнёқ билан ёндашуви, табиат ва жамиятга хос барча қадриятларга чукур ҳурмат билан муносабатда бўлиши турли эл ва элатлар вакиллари, маслаги ва ҳарактери, ғоявий қарашлари ранг-баранг бўлган фуқаролар билан мулокотларга кириша олиши ҳамда бу муносабатларни мустаҳкамлай билиши миљий фазилатга айланган. Президент И.А.Каримов томонидан назарий асосланган толерантлик концепцияси ҳалқимизнинг асл табиати, феъл-атвори, миљий менталитети моҳиятидан келиб чиқади. Ўтиш даврида эса ҳалқимизнинг миљий руҳи, психологиясини айнан ифодаловчи бу концепция мураккаб вазиятларда жамиятда барқарорликни саклашга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Кўп минг йиллик тажрибасиздан маълумки, миљий толерантлик ҳалқимизнинг метинцек мустаҳкам сабр-бардоши, бағрикенглиги оғир

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э. Кушонлар мослашувчанлиги. //Ижтимоий фикр, 1998 йил №1, - Б. 22.

вазиятларин сиғиб чиқишида айниқса аскотиб келди. Шу бойсдан ҳам миљлатлараро муносабатларни барқарорлаштиришдаги энг кийин шароитларда ҳам умумий хонадон – бутун мамлакат тақдири ҳар бир фуқаро тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунилди ва масалага ана шу нұктай назардан ёндошилди.

Халқимиз толерантлігі Үзбекистонда миљлік ҳамжиғатлик рухини таркиб тоғтирди. Турлы миљлат вакиилари Үзбекистонни ўз ватани деб ҳис эта бошлаб, миљлік мәданияти, санъати, диний муносабатлари ва әзтиқодини намойиш этишида кенг имкониятларга эга бўлдилар. Үзбекистонда иш юритаётган 80 дан ортиқ миљлік-мәданий марказлар ва уларнинг фаолияти ана шундан далолат беради.

Толерантники ифодаловчи хусусиятларга одамларнинг ҳаммаси ҳам онгли равишида эмас, балки уларнинг бир қисми кўпчиликка тақлидан, масала моҳиятини етарли ҳис этмасдан туриб ҳам амал қиласверадилар. Чунки бу руҳий ҳолат ўзбек халқи характеристика ўзига хос инерцион табиат касб этиб қолган.

Президент И.А.Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миљлатлар ўргасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий, ҳамда, маънавий жиҳатлари хусусида гапирав экан: «Ўзбек халқи рухининг тикланганлиги, миљлат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миљлийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Үзбекистонда яшаётган ҳалқлар, ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умуминсоний руҳиятга, хулқ-автор фалсафасига эга бўлмокдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миљлатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди»<sup>1</sup> - деган эди.

Толерантлик ўз миљлатини бошқалар томонидан камситишга йўл қўйиш эмасdir. Бу туйгу кишиларни шунчаки олижаноб қилиб қўймайди, балки, унинг хулқ-авторини, ахлоқини, сиёсий ва маънавий поклигини, бурчга, ўз ҳалқига ва унинг муқаддас нарсаларга бўлган муносабатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Булар инсонда бағрикенглик, хотамтойлик, байналминаллик түйғуларини уйғотади. Одамшавандалик, орият, ҳалоллик, камтарлик фазилатларини кучайтиради. Ўз қадр-кимматини билиш түйгуси ривожланган киши одатда ўзгаларга хайриҳо, сезигир, меҳрибон бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов ҳар бир ижтимоий жараёнга тизимий йўналганликка эга тушунча сифатида қарайди. Унинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли асарида: "б-устувор йўналиш - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миљлатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳисизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат",<sup>2</sup> - дейилади. Диссертант Президентимизнинг воқееликка тизимий ёндашув концепциясидан келиб чиқиб, толерантлик ҳодисасининг ижтимоий-сиёсий намоён бўлиш хусусиятларини қуйидагича таснифлашни мақсаддаг мувофиқ деб ҳисоблайди:

- миљлатлараро толерантлик;
- фуқаролараро толерантлик;
- давлатлараро толерантлик;

<sup>1</sup>Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараккүйёт йўлцида. 6-жилд. -Т.: Үзбекистон, 1998. - Б. 129.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.:Ўзбекистон, 1999. - Б. 23.

- ахоли ёш қатламлараро толерантлик;
- маданиятлараро толерантлик;
- партиялараро толерантлик;
- конфессиялараро толерантлик;
- худудлараро толерантлик;
- ургуғ-қабилалараро толерантлик;
- жамоалараро толерантлик.

Ижтимоий рухий тасиниф талабларига кўра толерантлик ҳодисасини иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

- англанган толерантлик;
- англанмаган толерантлик;

Англанган толерантликада жамиятда яшаётган кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирларига хурмат, ўзаро ёрдам, меҳр-окибат ва бир-бирларига бўлган қадр-киммат ифодаланса, англанмаган толерантлик ибтидоий жамиятда яшаётган кишиларнинг ўзларини тутишларида намоён бўлади.

Толерантлик одамларга меҳр-муҳаббат билан караш, уларни хурмат килиш, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини конлириш, унинг шахс сифатида эркиндиги ва хукукларини таъминлаш каби гоядар билан сугорилган линий, фалсафий, хукукий, ахлоқий ва шулар каби барча инсоний карашлардан иборат прогрессив дунёкарашнинг асоси бўлиб хизмат киласи. Шунга кўра кишилик жамият ривожланиши натижасида толерантлик ҳам жамият тараққиёти билан боғелик равишда тобора ривожланиб, ўзининг мазмунини бойитиб боради.

Диссертант ўзек толерантлигининг келиб чиқиши, шаклланиши моҳиятини очиб беришга ҳам ҳаракат киласи. Толерантлик ҳодисасини ўрганилар экан, ўзек ҳалқи этнологияси ҳамда этнографиясига эътибор бермасдан илож йўқ. Чунки, ўзек ҳалқининг этник тузилиши толерантлик хусусиятини таркиб топишига бевосита таъсир кўрсатади. Маълумки, ҳеч бир жамият бошқа эл-юртларсиз, кўшини жамиятларсиз яшай олмайди. Шунинг учун ҳар бир ҳалқ, ўзини канча мустакил хисоблаб, эркинликка эришмасин, барибири, унинг ривожи ва келажаги умуминсоний тараққиёт, кўни-кўшини элатлар ривожи билан бевосита боғлиқидир.

Ўзек ҳалқининг серфарзанд ва сертомир эканлиги унинг характеристида ургу ва ўзи мансуб бўлган ижтимоий қатламлар учун умумийлик жиҳатлари, айниқса жамоанинг манфаатларини химоя килувчи фазилатларнинг ривож топишини тақазо этиб келган. Ҳалқимиз феълидаги бағрикенглик, хотамтойлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорликка мойиллик, ғамгузорлик, ҳамдардлик, елқадошлиқ фазилатлари яқдилликни таъминлаш, тил ва дил, фикр бирлигини саклаш эҳтиёжларидан тузилган ва сайқал топгандир. Толерантлик ҳодисаси ва унинг такомиллашиб, ривожланиб бориши ҳалқимизнинг бутун тарихи давомида кузатилади. Ҳалқимиз гарчи юртимизга бостириб кирган кучлар гаразли мақсадлар билан келган бўлса-да, ўша душман билан тинч кўшини бўлиб, ўзаро ҳамкорликда яшашга ҳаракат килган ва натижада босқинчилик билан келган бутун-бутун ўзга милят ва элатлар ҳам ҳалқимизга аралашиб кетган. Ўзек ҳалқи тарихига назар ташлайдиган бўлсан, ҳалқимиз ўз тарихининг ўтмиши мобайнида 4 та диний-мафкуравий босқични (зардуштийлик, будда, ислом, коммунистик) ўз

бошидан кечирган.<sup>1</sup> Турли йирик босқинчиликларни (греклар, араблар, мұғұллар ва руслар) күрган ва ҳаммасига сабр-тоқат қылған.

Мұстакиилік шароитида бизнинг миллият, миллиатлараро мұносабатлар, миллий мәданият, яқин қардош халқларнинг мәданий мероси, этник мұаммолари, жүгрофий ва иқтисодий бирлиги хакидаги тасаввурларымиз ўзгармокда. Яның тарихий шароитларда вужудға келаёттан ижтимоий-сиеций жарағашшылар Туркистан мамлакатлари халқлари тарихи, уларнинг келиб чиқиши, ўзига хос түрмуш тарзлари ва якни құшничилик мұносабатларында хар қачонғыдан бошқачароқ қарашни тақаゾо қылмоқца. Зоро, этник жиҳатдан бир-бiriғa якни бүлған, тарихан бир мұхитта яшаб, ўтмиш мәданиятын бир заминде вужудға келған, бирок айни пайтда мұстакил давлат бўлиб яшаётган мамлакатлар ўз тарихий илдизларини қидириб топишини, ўзаро ҳамкорлик мұносабатларини кайтадан тиклашни ҳаётнинг ўзи зарурат даражасига кўтартмокда.

Бу объектив ҳолат ўзига алоҳида дикқат-эътибор беришни жамиятда ўзаро тотувлик, ўзаро ишонч, ўзаро ёрдам ва умуман сиеций барқарорлик вазиятини яратиш учун иқтисодий, хукукий, ижтимоий-сиеций, маънавий-ахлоқий шарт-шароитларни таъминлаш түғрисида ғамхўрлик қилишни қатъян талаб қилади.

Демак, толерантлик ҳодисаси халқнинг тарихий-мәданий тажрибаси маҳсул бўлиб, қуйидаги тизимий белги, ҳусусиятларни намоён этади:

- толерантлик - тарихан халқнинг миллий-этник бирлиги, ижтимоий-сиеций барқарорларини саклаб қолиши, ички яқдилликни муҳофаза этишининг кучли пойдевори, мустаҳкам асоси вазифасини ўтаб келған;
- толерантлик - халқнинг умумий мақсадларини амалга ошириш ўйлида руҳий кўтариқиликни таъминлаш, ватанпарварлик түйгуларини кучайтириш, ҳавф умумий бўлғандан, озодликка эришиш учун халқнинг ягона фикр иттифоқини юзага келтириш омили сифатида майдонга чиқкан.

Диссертант толерантликни таъминловчи ва унга таъсир қилувчи омилилар тизимини, толерантлик намоён бўлувчи ижтимоий онг шаклларини аниклашга, уларни моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилар экан, қуйидаги хуносага келади: толерантлик ўз моҳиятига кўра ижтимоий мұносабатлар ҳосисаси сифатида жамиятнинг ижтимоий-тарихий ҳолатига мувофик ҳодисаси. У жамиятнинг ўзига хос образи, реал ифодаси бўлиб, шу жамиятга хос бўлган жамики хоссаларни ўзила яккоб ифодалайди. Айни вактда толерантлик аник белгиланган тизимдан иборат яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида халқни ўзига хос тарзда бирлаштириб, унинг такомидини белгилайди.

Толерантлик ижтимоий тузум ҳарактерига кўра синфий йўналишга эга бўлиши, умуминсоний тамойиллар қарор топган жамиятда эса синфий, миллий, иркӣ ёки гуруҳий ҷегараланишлардан ҳоли амал қилиши ҳам мумкин. У умуминсоний қадриятларнинг адолат, озодлик, ҳурмат, тенглик, ҳамкорлик, тинчлик, осойишталик, тотувлик, ватанпарварлик, меҳрибонлик, садоқатлилик сингари тушунчалари билан бевосита боғликларда бўлиб,

<sup>1</sup> Бекмуродов М. Ўзбек менталитети ҳусусиятлари. // Ижтимоий фикр, 1998 йил №1. – Б. 49.

уларнинг бирортаси мазмунидат мувозанат бузилгудек бўлса, толерантлик меҳрзислилкка, эгоизмга айланаб кетади.<sup>1</sup>

Толерантлик ҳар бир ҳалда ҳар хил даражада шакланади ва намоён бўлади. Унинг шакланниш даври ва ифода этилиш шакли, кўлами, ҳалкнинг ҳаёт тарзи, тарихий-маданий кечмиши, анъаналари, руҳиятнинг ўзига хослиги, умуммиллий темперамент, табиат, иклим шароитлари, иктисадий аҳволи, илмий-техник такомил даражаси, эстетик-ахлоқий тайёргарлиги, диний-иркӣ мансубликлар билан бевосита боғлиkdir. Шу боисдан ҳам толерантлик мураккаб ижтимоий-илмий тушунча сифатида ўзининг кўп тармокли ички таркиби ва мазмунига ҳам эгадир.

Толерантлик фалсафасининг асосида шахслараро низоларни зўравонликсиз ҳал этиши методлари ётади. Толерантлик – ўзга шахсга ёки нарсага, ёхуд бегона ёинки фарқланувчи шахс-ходисага нисбатан ўз хисстайгуларингизни кўлга ола билиш бўлиб, ўз-ўзини чеклаш иродада кучига эга бўлмоқлик демакдир. Шу туфайли у ўзгалар фикрига хайриҳо – муросасозлик билан қараш имкониятини беради. Дарҳакиқат, миллатидан, иркидан ва дунёқарашибдан қатъий назар мамлакат фукароси ўз эҳтиёжларини кондириш учун барча имкониятларга эга бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга кўйиши керак. Айни пайтда у жамиятда барқарорлик мувозанатини саклаш, муросага келиш ва бир-бирини тушуниш, баҳсли томон далилларига адолат мезонлари билан ёндошиш, умумий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтиришга ўз хиссасини кўшиши лозим.<sup>2</sup>

Бугунги кунда толерантлик мувамоси маданий таъсир ўтказиш, маданий экспансияга йўл кўйиши мувамосига айланмоқда. Бу сиёсий ирода, сиёсий ва ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар билан боғланади. Маданий келишмовчилик – низо ҳолатидаги миллатлар ўртасида толерант муносабатлар ўрнатиш имконияти, башарти у ички онг даражасида шаклантирилгандағина ойдинлашади. Бу ҳолда толерантлик маданиятининг ҳаётний дунёси, ўзининг вокелиги ўзига хослигини, унинг вакиллари эса улар ўз турмушларининг экзистенциал маъно-моҳиятини саклаб қоладиган сўнгти асослар масаласига айланади. Яъни толерантликнинг сўнгти сарҳадлари – бу, эҳтимол маданиятли оламнинг «харобалар»и бўлиши мүмkin.<sup>3</sup> Модомики, маданий толерантликнинг ўзи толерантлик мебъридир.

Шу боисдан толерантлик куйидаги масалаларни эътиборга олишни тақазо этади:

- миллатлар, элатлар, иркларнинг ўзаро бир-бирини хурмат килиши;
- ҳар бир ҳалқ тарихини хурмат килиш;
- бошқа ҳалклар миллий урф-одат ва маросимларига сабр-тоқат билан ёндоша билиш;
- турли динларга эътиқод килювчиларга халал бермаслик, урф-одатларни хурмат килиниши;
- миллатлараро муносабатларда миллий феъл-автор хусусиятларининг хисобга олиниши.

<sup>1</sup> Марк Ноттурно. Толерантность, свобода и истина: фаллабализм и открытие «закрытых обществ». //Ихтимоий фикр, 1998. №2. – Стр. 82.

<sup>2</sup> Жўраев Н., Файзуллаев Т. Истиклол ва тарихий жараён. – Т., F.Улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 85.

<sup>3</sup> Скворцов А.В. Абсолютная истина и толерантность. Человек: образ и сущность. –М., Акад.наук, 1998. – Стр. 57.

Бу масалалар эътиборга олини маса, миллиатлар (элатлар) учун ҳам, бутун дунёй ҳамжамияти учун ҳам салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташкари яна бир муҳим ҳолатга эътиборни қаратиш лозимки, толерантлик хусусиятларини паст даражада шаклланиши табиий равища ўз мағфаатларини бир томонлама тушунишга, бошқа миллиатлар (элатлар)нинг мағфаатлари билан ҳисоблашмасликка ва бошқа нуксоналарга олиб келиши шубҳасизdir. Бу ҳодиса эса ўз иавбатида миллий экстремизмни туғдириши мумкин. Миллий экстремизмнинг белгилари – тоқатсизлик, кўркитишига ҳаракат килиш, миллиатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал килиша конун билан ҳам, ахлоқий меъёрлар билан ҳам ҳисоблашмасдан, ўз карашларини, ўз иродасини зўрлаб тикишириш каби толерантликка зид хусусиятлар ҳисобланади.

Табиийки, толерантлик ҳодисаси мафкура, ахлоқ, дин ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан уйгулика амал килади. Аммо ана шу онг шаклларни аҳоли турли табакалари, хусусан ёш жиҳатдан фарқланувчи қисмларида ўзига хос намоён бўлиши тадқиқотларимиз натижаларига кўра оидинлашди.<sup>1</sup> Миллатнинг яқдиллиги кўп жиҳатлардан аҳоли турли табакалари ўртасидаги мувофиқлик даражасига боғлиқdir. Ўтказилган социология тадқиқотлар халқимиз ёш цензига кўра, толерантлик ҳодисасига ўзига хос ёндашуви маълум бўлди.

Тадқиқотчи, ўтиш даврида кўп миллиатли мамлакатда миллиатлараро муроса маданиятини яратиш катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгалигини, айниқса ўзбекистондай 130 дан ортиқ миллиат ва элатга мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига эга бўлган аҳоли яшайдиган, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатетган мамлакатда ижтимоий муроса муҳитини яратиш фавқулодда муҳим аҳамият касб этишини, мазкур муаммо мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳал этилиши долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилигинига эътибор қаратиб, толерантликни ўрнини кўрсатиб беради.

Толерантликнинг муросасачилик ва ҳамкорлик хусусияти мамлакат ички хаётига ҳам, ташки сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Муросасозлик расмий талаб, қасам, муросасизликни катъий таққидашга айланади. Шу жойдан сиёсатга ўтиш юз беради. Президент И.А.Каримов мамлакатда юрт тинчлигини таъминлаш ва барқарор муҳитни яратиш, миллиатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг назарий асосларини ишлаб чиқди ва амалиётда фаоллик билан жорий эта бошлади. Толерантликнинг ташки сиёсатдаги кўриниши бу давлат томонидан, мамлакат раҳбариятининг дунё муаммоларини ҳал этишдаги амалий иштироки ва фаолиятида акс этади. Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги фаолиятида, айниқса, ушбу жиҳатлар эътиборни тортади:

- ҳар қандай мажароли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан натижаларга эришиш, фикр алмашиш ва томонлар учун ўзаро мағфаатли бўлган хуласаларга келишиш;
- ҳар қандай зўравонликка, тазиқ ва куч ишлатишларга қарши куч ишлатиш эмас, балки, жаҳолатга қарши маърифат йўли тамойилини кўллаш.

<sup>1</sup> Ижтимоий фикр марказининг «Ўзбекистон – умумий уйини» мавзуусида ўтказган социологик тадқиқот натижалари. Эксперт сўрови. – Т.: 2002-2003.

Ўзбекистон раҳбариятининг ҳалқаро майдонда олиб бораётган сиёсати ҳозирги замон жаҳон демократик ҳаракатларининг илғор тажрибаларига мос келади. Бу йўл ҳар қандай зўравошлиқ ва куч ишлатишни рац этиш билан бирга, жаҳон сиёсати маданийтини оширишга даъват этиш орқали сиёсатга демократик тамомилларни олиб киришининг ўзбекона йўлидир.

*Диссертациянинг иккинчи боби: «Ўзбек ҳалқи толерантлигининг истиқлол давридаги ўрни ва роли»* деб номланган ушбу бобда, диссертант ишлаб чиқилган назарий маълумотларни амалий тадқиқот натижалари билан тақкослаб олинган маълумотларни эмпирик таҳлил қилиш жараёнига эътиборни қаратади. Ўзбек ҳалқи толерантлигини ижтимоий-сиёсий ва этнорегионал мухитдаги ўрни ва уни ривожлантириб, жамиятга кенг тадбик этиш ғоялари, йўлларини ишлаб чиқишига ва асослашга ҳаракат қилган. Толерантлик ижтимоий ҳарактер касб этгани учун уни социологик тадқиқ этишда, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий моҳияти унинг жамият ҳаётидаги тури ҳолатларига таъсири, тафаккур тарзининг шаклланиши, фикрлар ифодаланиши ва унга амал қилиш даражасининг механизмларини белгилашда асосий ўрин тутади.

Диссертант, ўтказилган социологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, толерантликнинг ижтимоий мухитдаги ўрнини белгилашда қўйидаги омилилар доимий таъсири кўрсатиб туради, деган фикрга келади:

- ахлок;
- аънъаналар, одатлар, тимсоллар;
- жамоатчилик фикри;
- турмуш тарзи;
- маҳнатнинг турлари, ишлаб чиқариш усуслари;
- дин;
- жамиятнинг интеллектуал-аклий даражаси;
- ижтимоий табақалашув тизими.

Толерантлик миллий тарбия билан бевосита боғлик ҳолда ривожланади. Чунки, миллий тарбия макондаги мавҳумликка барҳам беради ва шу билан бирга, миллий маданий жисплики, бирликни таъминловчи этник, миллий маълумотларни синхрон ва диаҳрон шаклда авлоддан-авлодга ўтказади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакатда олиб борилажак тарбиявий жараён умуминсоний тарбия тизимининг бир кисмидир. Демак, ҳар бир давлатда олиб борилаётган сиёсатда тарбия сиёсати ҳам умумбаширий эҳтиёжлардан келиб чиқкан ҳолда ташкил этилмоғи лозим. Чунки инсоният цивилизацияси тақдири барча ҳалқлар учун бир хил аҳамиятидир.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзаро муносабатларда намоён бўлувчи юзлаб ажойиб инсоний, ахлоқий фазилатлар ҳақидаги сўзлар мавжуд. Масалан, «сабрандиша», «назокат», «тавозе», «ҳаё», «диёнат», «вафо», «садоқат», «виждон», «иймон», «орият» ва ҳоказо сўзлар ҳалқимизда мавжуд фазилатлар ҳақидаги хабарлар сифатида турмушда кенг кўлланилган. Лекин миллатимиз тарихининг кейинги асрида содир бўлган мустамлакачилик даврида ҳалқимизнинг нутқидаги, юкоридаги сўзлар фаол истеъмолдан чиқиб қолди. Натижада, ёш авлод сабрлилик, иймонлилик, хуштавозелик, диёнатлилик, виждонийлик, ориятлиликнинг асл намуналарини кўришдан бенасиб қолдилар. Бу сўзлар маъносини тушунтириш билан ҳам ўкувчиларда юкоридаги фазилатларга ишончни шакллантириб бўлмайди. Чунки, буюк

итальян мутафаккири Леонардо да Винчи айтганидек, «Одам ўзи қалбан кўра олмаган нарсанни кучли сева олмайди».<sup>1</sup>

Таассуфки, ҳалқимизнинг айрим вакилларига хос бўлган охирги натижага бўйича хисоб бернишга масъулнотсиз ётдашашиган «майличилик» хусусиятини ҳам толерантликка йўйиш тўгри эмас. Толерантлик англанган идрок, онг билан боғлиқ ижтимоий ҳодисасидир.

Мазкур ижтимоий ҳодисасининг тарқибий қисмлари масъулият, идрок, бағрикенглик ва бошка тизимий белгиларга боғлиқ эқаилигини инобатга олиб уни бошқарилувчи ҳодиса сифатида талкин этиши максаги мувофиқлар. Юкорида эслатилган XXI аср кишини фазилатлари мавзууда ўтказилган анкета сўровида талабаларнинг 44 фоизи ўзларида масъулият ҳиссини такомиллаштириш кераклигини, 38 фоизи эса, вазифа ва интизом хусусиятларининг талаб даражасида эмаслигини 18 фоиз талабалар ватъда ва ижро борасида ўз характеристлари устида ишлашлари лозимлигини тан олиб қайд этдилар.<sup>2</sup> Толерантлик англанмаган жараён бўлмасдан ўз моҳияти заминида юксак иносонийликни ифодалайди.

Тинч-тутув яшашнинг янгича фикрлаш концепцияси мавжуд сиёсий вазияти тўгри хисобга олади, у толерантлик омиллари ва юксак ахлоқий мезонларга, демократизмга асосланган бўлиб, ўз манфаатини устун қўймаслик, меҳр-шафкат ва ғамхўрлик масалаларини биринчи ўринга кўяди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 95 фоиз аҳоли «Якин қўни-қўшничилик, қариндош-уругчилик муносабатларига қандай қарайсиз?» деган саволга кўйидагича жавоб беришган: Респодентлар қўни-қўшничилик ва қариндош-уругчилик муносабатлари таҳлилига ўзаро нисбатда киёсий ёндашдилар. Агар қишлоқ ҳудудларида қариндош-уругчилик ва қўни-қўшничилик муносабатлари ўтасида жиҳдий тафовутлар бўлмаса, яъни қўшни айни вақтда қариндош ҳам эканлиги эътиборга олинса, қишлоқ респодентларининг қўшниларга толерант муносабат зоҳир этишлари – 72 фоиз ва қариндошларга толерантлик намоён килиш фоизи 74 бўлган қайдлари ортиқча изоҳга эҳтиёж сезмайди. Шаҳар респодентлари ва шаҳар типидаги, айниқса, саноатлашган ҳудудларда (Андижон, Асака, Марҳамат) респодентлар қўшничилик муносабатларига кўпроқ 68 фоиз мойиллик билдирадилар.<sup>3</sup>

Диссертант толерантликни тадқиқ килиш натижасида келиб чиқкан хуносаларини таҳдия қилинб, толерантликни ривожлантиришнинг, уни жамиятта тадбиқ қилишнинг ижобий ва самарали йўлларини асослашга ҳаракат киласди.

Иносонларо муносабатларнинг устиворлиги кучли жамоатчилик фикри, тафаккур тарзидаги ҳамкорона бағрикенглик шарқ умумицивилизацион жараёнларининг моҳиятини ташкил этади. Шарқ ҳалқлари жамиятлари учун хос хусусиятлар уларнинг турмуш тарзи, реал ҳаётida ўз ифодасини топган бўлиб, ижтимоий муносабатларда, анъаналарда, диний ақидаларда, турмуш

<sup>1</sup>Леонардо Да Винчи. Извращенные произведения. - М.: Наука, 1970. - Стр. 89.

<sup>2</sup> А. Қодирин номидаги Тошкент Давлат Малалойт институти социология кафедраси билан ҳамкорликда талабалар ўтасида «Миллий менталитет ва бағрикенглик» маъзууда ўтказилган социологик тадқиқот натижалари. Социологик сўрови. – Т.: 2001-2002.

<sup>3</sup> Ижтимоий фикр марказининг «Онлайн таъбирлар» маъзууда ўтказган социологик тадқиқот натижалари. Эксперт сўрови. – Т., 2003.

тарзида яққол намоён бўлади. Шахснинг иницивида мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган Фарб кишисидан фарқ қилиб, Шарқ кишиси жамоага маънавий боғликларни ўзида ифода этади. Толерантлик ҳодисаси жамоа билан ҳамоҳанглик тизимида муҳим бўғинни ташкил этади. Кишининг ўз-ўзини англаши, манфаатлари ва Қадрини билиш ҳисси ҳам жамоанинг бошқа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлари манфаатлари мантиги билан шартлангандир.

Ўзбек халқининг ўзига хос жиҳати шундаки, у адолатга, муросага, бошқаришга мойил бўлган халқдир. У фаол ва онгли бошқариш орқали янгидан-янги имкониятларини кўрсатадиган халқ ҳамдир.<sup>1</sup> Халқимиз вакили у қандай мавқе, мартаба эгаллашидан катъий назар атрофдагиларнинг муносабатига, фикрига қараб иш қиласи, ўзи билан жамоа ўртасидаги мутаносибликни бузмасликка ҳаракат қиласи. Маълумки, халқимизда атрофдагиларнинг манфаатларига қарши иш қилиш, умум томонидан кабул қилинган ахлоқий қоидалар, амалдаги ижтимоий меъёрларга хилоф равишда иш кўриш қораланади, жамият билан шахс ўртасида зиддият вужудга келишига сабаб бўлади. Агар Фарб кишиси ўз хатти-ҳаракатларида инсон ҳукукларини муайян меъёрларга солиб турувчи қонун-қоидалар доирасидан чикмасликка ҳаракат қиласа, Шарқ кишиси амалдаги расмий қонун-қоидаларга риоя этишдан ташқари жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос тартибда ўрнатилган меъёрларига ҳам амал қиласи, шахснинг ушбу меъёрлар доирасидан чикиши жамоа билан унинг ўртасидаги муносабатлар мазмунининг бузилишига сабаб бўлади. Ана шундай ўрнатилган меъёрларга риоя этишда ўзбек халқининг тарихий-маддий тажрибаси, шу жумладан, унинг феъл-атворидаги толерантлик хусусияти катта роль ўйнайди.

Шарқ мамлакатларида жамиятлар учун жамоавий ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятлари хос эканлигини тан олган ҳолса, жамоала шахснинг муайян фаолиятлар субъекти ҳамда дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятининг пойdevorини ташкил этишини ҳам эътибордан сокит этмаслик лозим. Шу боисдан ҳам шахсни фаоллаштиришда уни факат жамоавийлик омилни билангина эмас, балки индивидуаллик, бетакрор алоҳидаликка эгалиги омили билан ҳам таъсир кўрсатиш керак. Дарҳақиқат, юкорида қайд этганимиздек, ижтимоий муносабатлар силсиласида шахс фаолиятлар субъекти ва унинг фаол ижодкоридир. Аммо ўтказилган конкрет социологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда у кўпроқ фаолиятнинг пассив иштирокчиси ва баъзи ҳолларда фаолиятларнинг кузатувчиси сифатида намоён бўлиб қолмоқда. Башарти жамоавийлик феноменига аҳолининг бунёдкорлик, сиёсий-маънавий фаоллиги ва ижтимоий сафарбарлигини кучайтириш омили сифатида ёндашиладиган бўлса, мазкур ҳодисага дифференциал ёндашишнинг пайти келди.

Диссертант ўзбек халқи толерантлик хусусиятини таъминловчи омиллар каторига сабр-токат, ўзгани ўзи билан тенг ва баъзан устун кўриц, меҳрибонлик, бошқалар урф-одатлари, дини ва маслагига токат, иймон-эътикол, адолатлилик, ҳамкорлик, фаросат, аниша, инсоф, ўз манфаатини устун кўйимаслик, хурмат, елкалошлиқ, ҳамдарллик, меҳмондўстлик,

<sup>1</sup> Жўрасв Н. Мағкуравий иммунитет. –Т., Маънавият, 2000. – Б. 9.

дилкашлик, камтарлик, инсонни иззатлаш, эъзозлаш каби фазилатларни күритеди.

Ёшларнинг турли табақалари ўткасида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари юкорида саналган омилларнинг ёш бўйича намоён бўлишининг кўйидаги таснифий ҳолатини ифода этади.

1. Сабр-тоқат, адишишалик фазилатлари 16-19 ёшдагиларда: – 40 фоиз, 20-25 ёшдагиларда эса 50 фоиз, 26-30 ёшдагиларда: 65 фоиз;

2. Бошқалар урф-одатларига тоқат маъносидаги толерантлик: 16-19 ёшдагиларда – 35 фоиз, 20-25 ёшдагиларда – 45 фоиз, 26-30 ёшдагиларда – 60 фоиз;

3. Эътиқодий фаркларга нисбатан толерантлик, инсоф: 16-19 ёшдагиларда – 45 фоиз, 20-25 ёшдагиларда – 60 фоиз, 26-30 ёшдагиларда – 75 фоиз;

4. Мехрибонлик, хурматлилик, елкадошлик, ҳамдардлик: 16-19 ёшдагиларда – 48 фоиз, 20-25 ёшдагиларда – 63 фоиз, 26-30 ёшдагиларда – 75 фоиз;

5. Адолатлилик, тенгликни ифодаловчи толерантлик, ҳамкорлик, ватанларварлик, садоқат, матонат: 16-19 ёшдагиларда – 73 фоиз, 20-25 ёшдагиларда – 78 фоиз, 26-30 ёшдагиларда – 80 фоиз;

6. Ахлоқий фаркларга нисбатан толерантлик: 16-19 ёшдагиларда – 58 фоиз, 20-25 ёшдагиларда – 61 фоиз, 26-30 ёшдагиларда – 65 фоиз.<sup>1</sup>

Диссертант социологик тадқиқот натижаларига кўра толерантликни таъминлаща уни ташкил этган омилларнинг тутган ўрнини кўйидагича белгилайди.

Ўзбек толерантлигининг таркиби, уни ташкил этувчи омиллар:

–Ўз манфаатини устун кўймаслик;

–Камтарлик, камсукумлик;

–Мехрибонлик, ҳамдардлик;

–Хурматлилик;

–Иймон, эътиқод, инсоф;

–Ҳамкорлик, елкадошлик;

–Дилкашлик, инсонни эъзозлашда меъёрларга риоя этмаслик;

– Адолатлилик, тенглик.

Ўзбек толерантлигининг иккинчи муҳим ривожланиш истиқболи илм-фан, маърифат соҳасида намоён бўлади. Бу жараёнларда толерантлик ўзгаларнинг илмий ҳамда маърифий қарашларига хурмат, ҳар бир назарий мушоҳадалар ва фан йўналишларига эътиборни ифодалайди.

Ўзбек толерантлигининг яна бир муҳим йўналиши бу ижтимоий ҳамкорлик борасидаги, катта муаммоларни биргаликда ҳал этишса, гурухий регионал ҳамда ҳалқаро миқёслардаги умуминсоний гуманистик масалаларни биргаликда, ўзаро муросавий асосларда ҳал этишдаги иштироқида яққол намоён бўлади.

Толерантлик милий хушёрликни, ҳар қандай ички ва ташки хуружлар, бўхтон ва тухматларга муросавиз бўлишини ҳам талаб этади. Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида ўзбек ҳалқи толерантлиги фазилатининг жамиятда учраб турадиган салбий воқеаларга муносабатида ҳам намоён бўлиши ҳолатлари аникланди. Ижтимоий жараёнларда кузатилувчи салбий

<sup>1</sup> Ижтимоий фикр марказининг «Ўзбекистон: жамоатчилик фикри» мавzuida ўтказган социологик тадқиқот натижалари. Эксперт сўрови. – Т., 2002.

ходисаларға нисбатан бефарқ қарашиб, локайд муносабат тарзицаги толерантлик күйидеги ҳолатларга нисбатан намоён бўлаётганлиги ташвишланарли ҳоддир.

- 1.Ота-она, ака-ука, якин биродарларига нисбатан меҳр-оқибатсизлик ҳолатларига тоқат: 20-35 ёшдагиларда – 75 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 42 фоиз.
- 2.Ароқхўрликк эътиборсизлик, пассив қарашиб: 20-35 ёшдагиларда – 36 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 30 фоиз.
- 3.Гиёхвандшиликка бепарволик: 20-35 ёшдагиларда – 68 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 38 фоиз.
- 4.Эстетик жихатдан паст савияли маданият маҳсулотларига локайд муносабат: 20-35 ёшдагиларда – 32 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 58 фоиз.
- 5.Ахлоқий тубанлашув ҳолатларига локайдлик: 20-35 ёшдагиларда – 78 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 55 фоиз.
- 6.Девиант ҳолатлар, жиноий хатти-харакатларга панжа ортидан қарашиб: 20-35 ёшдагиларда – 62 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 40 фоиз.
- 7.Диний ақидапарастлар фаолиятига бепарволик: 20-35 ёшдагиларда – 47 фоиз, 36-50 ёшдагиларда – 45 фоиз.<sup>1</sup>

Бутун жаҳон ҳалқлари ўзаро ишончсизликни бартараф этиш, ҳалқаро ҳавфисизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг ўзаро мақбул йўлини топиш учун биргаликда куч-гайрар сарфлаши кераклиги юкорида айтилганлардан яққол кўриниб турибди. Диссертацияда ушбу муаммони ҳал этишининг ўзига хос хусусиятлари ва йўллари тадқиқ қилинган. Бутун ҳавфхатарни, ишончсизликни бартараф этишса, ҳамкорлик ва ҳамдўстликни рўёбга чиқариш учун кўйидаги ишларни давом эттириш керак:

Биринчидан, жамият имкон қадар бағрикенг бўлиши учун давлатлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мавжуд ҳалқаро конвенцияларни ратификация қилишлари, ва лозим бўлса, жамиятдаги барча табақа кишилари, ва алоҳида шахслар учун бир хил ёншашув ҳамда тенг имкониятларни таъминлайдиган янги қонунчиликни яратишлари керак. Ҳалқаро ҳамжиҳатлик манфаатлари йўлида алоҳида шахслар, жамоалар ва миллатлар башариятнинг кўп маданиятлилик хусусиятига эга эканини тушунишлари ва шу хусусиятни ҳурмат қилишлари жуда муҳимдир. Толерантлик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди.

Иккинчидан, толерантлик алоҳида одамлар ўргасида, оила ва жамоадаги ўзаро муносабатларда зарурдир. Мактабларда ва университетларда, норасмий таълим йўли ва иш жойларида толерантлик руҳини мустаҳкамлаш ва кишилар ўргасида бир-бираiga очиклик, эътибор ва бирдамлик муносабатларини шакллантириш лозим. Бунда коммуникация воситалари эркин, очик мулокот ва муҳокамага кўмаклашишда, толерантлик қадрияларини тарқатища айниқса, бош кўтараётган муросасизликни тарғиб қилувчи гурухлар ва мафкураларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш ҳавфли эканини тушунтирища амалий аҳамият касб этади.

Учинчидан, тарбия муросасизликнинг олдини оладиган энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Толерантлилик руҳида тарбиялаш одамларнинг умумий ҳуқук ва эркинликлари нималардан ибэрот эканлигини

<sup>1</sup> Ижтимоий фикр марказининг «Ўзбекистон: жамоатчилик фикри» мавзунда ўтказган социологик тадқиқот натижаларини. Эксперт сўровини. – Т., 2002.

ўқитишдан бошланади ва бу билан уларда ана шу хукукларининг амалига ошишини таъминлаш ва бошқаларнинг ҳам шундай хукукларини ҳимоя қилишга бўйган истак мустаҳкамлаб борилади. Толерантлик руҳида тарбиялаш бошқаларга нисбатан кўркув ва ётсираш хиссини ўйғотадиган таъсирларга карши йўналтирилмоғи лозим. У ёшларни мустақили фикрлаш, тақиқий мулоҳаза юритишга ўргатиши, уларда ахлоқий қадриятларга асосланган қараашларни шакллантиришга кўмаклашни лозим.

Дунё ҳалклари инсонпарварлик қадриятларини ва ҳамма учун ягона бўйган шахс ҳак-хукукларининг ҳурмат килишни қабул қилмагунларича, улар олдида ва бутун ҳамжамият олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам муваффаккиятли ҳал этиш мумкин эмас, демак, ҳалкаро ҳавфисизликни ҳам мустаҳкам ҳимоя килишининг имкони бўлмайди. Шу боис, бутун инсониятга тузатиб бўлмайдиган зарар етказишга кодир, тор маънода тушунилса, алоҳида бир миллий қадриятларнинг бошқа ҳалклар қадриятларига нисбатан ўз фойдасига тарози палласини босиб кетиши туфайли ҳавфли оғиш содир бўлмаслиги учун, буларни доимо эсда тутиш, толерантликнинг моҳиятини тўғри англаб, уни жамиятга тадбиқ этиш лозим.

*Диссертациянинг якунида илмий хуносалар баён қилинган, амалий таклиф ва тавсиялар берилган.*

**III. Тадқиқотнинг асосий мазмуни** кўйидаги чоп этилган рисола ва маколаларда ўз аксини топган:

1. Маърифатпарварлик – жадидчилик ҳаракатининг асосидир. //Ўзбекистон мустақиллигининг ижтимоий-иктисодий ва маънавий ривожланиши масалалари мавзусида ўтказилган Ҳалқаро илмий конференция. Самарқанд, 1997. – Б. 100-102
2. Жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши ва унинг баъзи заминлари. //Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари. Тошкент, 1998. – Б. 174-177
3. Жадидлар ва тараққиёт. (Уларнинг қараашларида маданий-маърифий гояларнинг мустақилликка ҳамоханглиги). //Бизнес Осиё, 1999 йил, 26 февраль-4 марта. – Б. 13
4. Ватанпарварлик миллий ўзликни англаш демакдир. //Ижтимоий фикр. N3-4, 1999. – Б. 27-30.
5. Ўзбекнинг фахри. //Мулоқот. № 5, 2000. – Б. 44.
6. Сабр – миллат қадрияти. //Жамият ва бошқарув. N 3, 2001. – Б. 8-11. (ҳаммуаллифликда).
7. Бағрикенглик ва демократик жараёнлар. /«Ўзбекистон демократик жамият куриш йўлида». Тошкент Олий Педагогика институтида ўтказилган илмий-назарий конференция материаллари. Т., 2002. –Б. 58-62.

## **РЕЗЮМЕ**

**диссертации Э.Г.Каримовой на соискание ученой степени кандидата наук на тему: «Социологическое исследование этнорегиональных свойств узбекской толерантности»**

**(специальность: 19.00.05 – социальная психология,  
этнопсихология и социология)**

В XXI веке социально-политический и нравственный облик Узбекистана определяют всеобщий мир и спокойствие, политическая стабильность и межнациональная дружба, религиозная и идеологическая толерантность, гармоничное сочетание культур, участие наций и народностей в жизни общества на основе равенства. Данная диссертация посвящена непосредственно толерантности и раскрытию её сущи, а также исследованию толерантности и этнорегиональных свойств узбекского народа.

Диссертационная работа состоит из введения, двух глав (первая из которых состоит из трех параграфов, а вторая – из двух), заключения и списка использованной литературы.

Во введении обоснована актуальность проблемы, освещена степень её изученности, переделены научная новизна, теоретическая и практическая значимость исследования.

В первой главе под названием «Теоретико-методические основы явления толерантности» дано определение толерантности и разработаны её теоретические основы. В частности освещены история формирования узбекской толерантности, её состав, системные аспекты.

Толерантность является важным условием согласия и разрешения конфликтов. Толерантность – это глубокое понимание разного рода свойств и достоинств, как важной и неотъемлемой части бытия.

Вторая глава под названием «Значение и роль узбекской толерантности в период независимости» посвящена исследованию значения узбекской толерантности в социально-политической и этнорегиональной среде. Здесь также рассматриваются перспективы её проявления в период независимости.

Диссидентом предпринята попытка исследования процесса проявления общечеловеческой сущности и гуманистического потенциала узбекской толерантности, рассмотрены возможности внедрения этого качества выражающего социально-этнические особенности наших предков в сознание молодёжи как приемственную традицию, возможности его практического воплощения, то есть применения в социальном опыте.

В заключительной части излагаются краткие выводы диссертационного исследования, делаются теоретические обобщения, показываются возможности использования результатов исследования в современных условиях.

## **Summary**

**of the Dissertation paper entitled “Social research on ethno-regional features of uzbek tolerance” by E.G.Karimova**

**(specialization: 19.00.05 – social psychology, ethno-psychology and sociology)**

Today the image of Uzbekistan determined by peace and co-operation, justice and wellbeing, political stability and friendly relations, religious and ideological tolerance, cultural harmony, equality of opportunity for each person. The Dissertation paper reveals and analyses the conception of tolerance, focuses on the issue of uzbek nation tolerance, its ethno-regional features.

The Dissertation paper consists of the Introduction, two chapters (first chapter consists of three paragraphs, second chapter consists of two paragraphs), Conclusion, and the List of bibliography.

The Introduction reveals the importance of the research, its novelty, the characteristic features of the object, determines the aims and tasks of the Dissertation paper, its theoretical and practical significance, gives the general account of the sources used in the research.

The first chapter of the Dissertation paper, entitled “The theoretical-methodological basics of the tolerance phenomenon”, deals with the concept of tolerance, focusing on the in-depth analysis of its theoretical basics. It provides analytical overview of the history, structure and system of uzbek tolerance. Tolerance plays the main role in decision making and solving conflicts.

The second chapter entitled as “The role and place of uzbek tolerance in era of independence” studies the place of uzbek tolerance in sociopolitical and ethno-regional surroundings, its prospects in the period of independence. Providing research of the universal essence of uzbek tolerance chapter gives prognosis of its future place in young generation life. The chapter is also focused on the study of practical implementation of the tolerance phenomenon in social reality.

The Conclusion of the Dissertation paper summarizes the results of the research, theoretical and practical findings and gives concrete recommendations.